



Дин ишини тадқиқ қилиш, Аллох таолонинг фарзи, расулнинг суннатларини ижро этиш, уларнинг улушини хазинадан бериш, зоҳиду дарвишларни эъзозлаш ва иззатда тутиш под-шоҳ учун вожиб-шартдир. Подшоҳнинг ҳафтада бир-икки маротаба дин уламоларини ҳузурига чақириши ҳам шарт. Токи улардан Ҳаққ таоло амрининг табири табири ҳақида, Куръон тафсири ва расул алайҳи салавоту васаллам ҳадисларини эшитсин. Одил подшоҳлар ҳақида ёзилган ҳикояларга, анбиёлар қиссаларига кулоқ солсин ва кўнглини дунё ишларидан фориғ этиб бўшатсин, шуларга диққатини жалб қилсин. Улар-га ўзаро мунозара ва баҳс қилишни буюрсин. Агарда унга бирор-бир масала номаълум бўлса, қайта сўраб олиб ёдлаб қўяди, шунда дин ва дунё ишлари савоб билан ҳал бўлади. Бирорта динсиз ва бидъат таркатувчи уни шу йўлдан уролмайди. У кучли ифодага эга, одил ва инсофли бўлади, гурур ва бидъат бундай подшоҳ мамлакатидан йўқолади, унинг кўлидан буюк ишлар келади, давлат рўзгоридан шарру фасод ишлари йироқлашади, лашкари кучли бўлиб, душмани даф бўлади. Бу дунёда яхши номи қолади, охирада эса олий мартабалар унга насиб қилади, Одамлар ҳам унинг даврида илм олишга рағбат қиладилар.

Хикоят

Ибн Умар айтадики, расулаллох менга шундай деганларки, адолат қиладиганлар ўз адолатлари учун жаннат қасрларида, кўли остида бўлган кишилар билан яшайдилар. Подшоҳларнинг энг зўр фазилатлари диндорликдир. Зероки дин ва давлат подшоҳнинг яқинларидандир. Қачонки мамлакатда изтироб пайдо бўлса, дунёга ҳалал тегади, ёмон ниятли кишилар қувват олиб, подшоҳни савлатсиз ва дардманд қиладиган бидъат ва

душманлик кучайиб кетади.

РИВОЯТ

Сафён Сурий айтадики, энг яхши султон дин аҳли билан ўти-риб турувчидир, уламоларнинг энг ёмони султон билан ўтириб турувчисидир.

РИВОЯТ

Ардашер (Бобакон) айтадики, ҳар бир султон агарда ўз хос мулозимларини сулҳ ва муросага келтиролмаса, билсинки, у ўзи-га факат ситам келтиради ва ҳалол мол ҳам ололмайди.

МАСАЛ

Лукмони Ҳаким айтадики, одам учун дунёда билимдан яхши-роқ ёр йўқ ва билим ҳазинадан ҳам яхшироқдир. Чунки сен ҳази-нани эктиёт қилишинг керак. Билим эса сени қутқаради ва муҳо-фаза қилади.

РИВОЯТ

Ҳасан Басрий айтади, тозий-араб тилини яхши биладиган ва шу тил лугатига кодир бўлган киши доно эмас, доно - ҳамма билимларни эгаллаган кишидир. Бирор киши шариат қонунла-рини, Қуръон тафсириларини, туркий, форсий, румий тиллари-ни билиб, араб тилини билмаса, у олимдир. Агарда араб тилини ҳам билса, яхшироқ бўлади. Чунки Аллоҳ таоло Қуръонни араб тилида нозил қилган ва ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи араб бўлганлар. Подшоҳга Аллоҳ буюкликни насиб қилса, унга давлат ва илм ёр бўлади, икки дунёда бахт топади. Чунки у бирор ишни билимсиз бажо келтиролмайди ва шундай бўлишига ҳам розилик беролмайди. Қара, факат подшоҳларнинг номлари жақонда машҳур ва уларнинг номларини одамлар қиёматгача яхшилик билан тилга оладилар. Фаридун, Искан-дар, Ардашер, Нўширавон, амир ал-мўминин Умар ибн Абдула-зиз, Хорун ар-Рашид, Муътасим, Исмоил ибн Акмад Сомоний, Султон Макмуд Газнавий раҳматуллоҳи алайҳум шундай под-шоҳлар эдиларки, уларнинг ҳаммага маълум ишлари ҳақида тарих китобларида ёзиб қолдирилган, ул зотларнинг арвоҳла-рига дуо қиладилар.

Хикоят

Ўқидимки, Умар ибн Абдулазиз даврида қаҳатчилик бўлиб, одамлар ранжу азоб чеккан эканлар. Араблардан бир қавм унинг олдига келади ва нола қилиб дейди:

- Ё амир ал-мўминин! Биз қаҳатчиликдан озиб қетдик, суяғу теримиз қолди, таом йўқлигидан юзларимиз саргайди. Ҳамма умидимиз сенинг ҳазинангдаги моллардан. Бу мол сеникими, Худоникими? Ё биз - Худонинг бандалариникими? Агарда бу молу давлат Худоники бўлса, унда Худонинг молга эктиёжи йўқ, биз Худо бандаларида эса эктиёж бор. Агарда сеннки бўлса, Аллоқ айтганидек, «бизга садақа қилгин, чунки Аллоқ таоло қар бир садақа қилувчига муқофот берувчидир». Агарда бу мол биз-ники бўлса, ўзимизга қадя эт, токи бу ақволдан қутулайлик. Танамиздаги теримиз қуриб қетди!

Умар ибн Абдулазизнинг уларга раҳми қелиб, қўзидан ёш оқиб:

- Сиз айтгандек қиламан, - дейди.

У тезда буйруқ бериб, одамлар хокишини бажо келтиради ва уларнинг мақсадлари ҳосил бўлади. Улар қайтмоқчи бўлганла-рида:

- Эй одамлар, қаякка қетаяпсизлар? Худо бандалари сўзини менга қандай айтган бўлсаларинг, менинг айтганларимни ҳам Аллоҳга етказинглар, яъни мени дуойи хайр

билан эсланглар, -дейди.

Араблар шундан кейин осмонга караб:

- Ё Раб, иззатинг хаки Умар Абдулазиз сенинг бандаларинг-га нимани раво кўрган бўлса, шуни унга кайтар! - деб илтижо килишади.

Дуо килишлари хамоно бир зумда булут пайдо бўлиб, ёмгир ёғади, томчилар билан бир коғоз тушади. Олиб карасалар, унда «Бароту мин Аллохи азизи ила Умар ибн Абдулазиз мин ан-нори» деб ёзилган эди. Маъноси шуки, «Бу барот Аллок азза ва жалла-дан Умар ибн Абдулазизга дўзах оловидан куткариш учундир».

Шу маънодаги кикоятлар бисёр, бу фаслга шунчаси хам кифоя килади.